



# Халқ сўзи

Ўзбекистон -  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 16 сентябрь, № 180 (5095)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 29 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда) **38-моддаси** қуйидаги мазмундаги **10-банд** билан тўлдирилсин:

«10) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 474-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: давлат солиқ сибсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш; солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш;

солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чоралар кўриш, маълумотлар компьютер базасининг ягона тизимини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бар-тароф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш; пул маблағларининг гайриқонуний айланishi манбалари-га барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;


ҳўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёزلар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш; бозорлар ва савдо комплексларининг молия-ҳўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудда аниқланган ҳуқуқбузар-ликларга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини тақорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймайлик;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдирish, коррупция ва ишга расмийчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишни амалга ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни доимий асосда таъминлаш; **2) 5-модданинг:** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **16 ва 17-банд-лар** билан тўлдирилсин: «16) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинishi, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловлар-ни пластик картчалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига риоя этилишига оид қисқа мuddатли текширувлар ўтказиш;

(Давоми 2-бетда).



## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «InterMedPharm — 2010» халқаро тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Ушбу тадбир «TNT Produktions, Inc» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармасаноат» ДАК ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Экспозицияда тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон воситалари, стоматология йўналишидаги ангиликлар, фитомасхулотлар ва тиббиёт марказла-рининг хизмат турлари намойиш этил-моқда. Шунингдек, кўргазмада Буюк Британия, АҚШ, Германия, Исроил, Италия, Хиндистон, Покистон, Хитой, Россия, Украина каби 25 давлатнинг 40 дан зиёд фирма ва компаниялари иштирок этапти.

Этиборлиси, мазкур кўргазмага на-фақат соҳа ходимлари, балки кенг жа-моатчилик вакиллари ҳам қизиқиш бил-дирмоқдалар. Хусусан, тадбир асноси-да юртимиздаги шифобахш дармондо-рилар ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар махсуслотлари ҳам истеъмолчилар му-айян эътиборини жалб қилмоқда.

— Бизнинг «Гулом Мадаминбек» номи хусусий клиникамиз қошида ши-фобахш эликсир ишлаб чиқарилади, — дейди клиника бош шифокори Феруза

Нигмонова. — Мана, олти йилдирки, мазкур дармондори харидорларга ман-зур бўлиб келмоқда. Чунки шифобахш эликсирнинг ички аъзолардаги турли инфекцияларга қарши курашувчанлик хусусияти, организмнинг иммун тизи-

### Кўргазма

мини мустаҳкамлашдаги фаол иштиро-ки кўлаб оғир хасталикларнинг олди-ни олиш ва самарали даволашга хиз-мат қилади.

Кўргазманинг яна бир аҳамиятли жи-ҳати шундаки, унда намойиш этилаёт-ган замонавий асбоб-ускуналар тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, қатор хоризж компаниялари билан ҳамкорли-кда юртимиз шифо масканларига энг сунгги русумдаги тиббий жиҳозларни етказиб берувчи «Asfarm» компанияси

тақлиф этаётган махсуслотларни бунга мисол сифатида тилга олиш мумкин.

— Бугунги кўргазмада Хитой, АҚШ, Бразилия ва Россия мамлакатларида ишлаб чиқарилган ультратовуш асбо-би, умуртқа хасталиклари муолажаси-да фойдаланиладиган махсус ўриңди-ли ускуна, стоматология жиҳозлари каби махсуслотларни намойиш этмоқ-дамиз, — дейди компания директори Аскар Тўхтаев. — Тадбирда қатнаши-нинг биз учун яна бир афзаллиги, харидорларнинг талаб ва эhtiёжлари-ни ўрганишидир. Зеро, шифо маскани ходимларининг қулай иш шaroитини таъминлаш ва шу орқали тиббиётда самарали даво усуллари қўлланилиши-га ҳисса қўшиш асосий мақсад-ларимиздан бири.

Кўргазма 17 сентябрга қадар давом этади. Тадбир доирасида эндокрино-логия ҳамда иммунология масалалари-га оид илмий-амалий анжуманлар ўт-казилиши режалаштирилган.

Муборак ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: кўргазма фаолиятдан лавҳа.  
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## БУЮК АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекка ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимиз риво-жига бекиёс ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар хотира-сини эъзозлашга, ижоди ва адабий меросини асраб-авайлашга, чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчи-си, ўзбек адабиёти ва илм-фанининг забардаст намо-яндаси, академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳам ана шундай эъзо-

сида адиб таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Кўплаб асарлари, китобла-ри қайта нашр этилди. Та-бийки, бундай эзгу ишлар, хайрли ташаббуслар атоқ-ли шоир ва ёзувчи, етук олим, жамоат арбоби Ой-бекнинг миллий адабиёти-миз ривожига қўшган ҳис-саси нақадар улкан ва бе-киёс эканлигини аңглатади.

Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ҳай-каlining қад ростлаши ҳам бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Шу муно-сабат билан Миллий боғ-да мазкур ҳайкал очили-шига бағиш-ланган маро-сим бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, та-лаба-ешлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тантанали маро-симни очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов мамлакатимиз-да Юртбошимиз раҳнамо-лигида маънавият, мадания-т, адабиёт ривожига юк-сақ эътибор қаратилаётгани, истиқлол йилларида бир гуруҳ марҳум шоир ва ёзувчиларимиз давлатимиз-нинг юксак мукофотлари

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ — АНГИЛИНИШЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Респуб-ликasi Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳуқуқат томонидан марказда, ҳокимликлар томони-дан эса жойларда қонунлар қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишга, барча босқичдаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муайян масалаларни ҳал қилиш борасидаги ишга таъсир кўрсатишга қаратил-ган фаолиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маърузасининг асосий қонда ва хулосаларини рўйбга чи-қариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тегишли Ҳаракат дастури қабул қилинган бўлиб, унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини куч-айтириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюд-жет ва иқтисодий ислоҳот-лар масалалари қўмитаси-нинг 9 сентябрь куни Анди-жон вилояти ҳокимлигида ва 14 сентябрь куни Хоразм ви-

лояти ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисларида Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрда қабул қилин-ган «2010 йилда иш ўринла-ри ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги Қаро-рини қўйиб ёзиш ҳолла-рига йўл қўйибкиш учун кес-кин чоралар кўриш, шунинг-дек, вилоятда ушбу дастур-ларни амалга ошириш учун масъул доимий комиссиялар ва депутатларнинг, ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ахборотлари-ни эшитиш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилин-ган. Халқ депутатлари Анди-

жон вилояти Кенгашининг тегишли доимий комиссия-лари томонидан Булоқбоши, Избоскан туманларида ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг тегиш-ли доимий комиссиялари то-монидан Урганч шаҳрида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъмин-лаш, Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қўргонтепа, Бўз туманларида, Хоразм вило-ятининг Богот, Ҳазорасп ту-манларида уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилма-ни ривожлантириш масала-лари ўрганилган. Ўрганиш натижасида мазкур масала-лар бўйича мўлжалланган чораларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган ушбу туман ҳокимликларининг ҳамда вилоят ва туман да-ражасидаги тегишли бўли-маларнинг фаолияти танқид остига олинди.

Утган давр ичида Андижон ва Хоразм вилоятларида те-

гишлича 42842 та ва 32660 та, шу жумладан, ишлаб чи-қариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган кор-хоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисо-бига 1204 та ва 2762 та, кич-ик корхоналар, микрофир-малар барпо этиш ва яқка тадбиркорликни ривожлан-тириш ҳисобига 20764 та ва 10565 та, касаначиликни ташкил қилиш ҳисобига 13376 та ва 10949 та, ишла-б чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлан-тириш ҳисобига 1248 та ва 1760 та, фермер ҳўжалик-ларини (паррандачилик, чорва-чилик, балкичилик, асалари-чилик ва бошқаларни) рив-ожлантириш ҳисобига 5667 та ва 6152 та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 166 та ва 472 та иш ўрни яратилган.

(Давоми 2-бетда).

### Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи ярмида республика-мизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш учун

4,2 триллион сўм ажратилди.

## ДАСТУР ИЖРОСИНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Аниқ мақсадларга йўналтирилган ана шу маблаг Давлат дастурида белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

17) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари юзасидан терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноят ишлари қўзғатиш ҳамда суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига қўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

Учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ушбу модда биринчи қисмининг 1-7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига, 8-15-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар фақат давлат солиқ хизмати органлари бошлиқларига ва уларнинг ўринбосарларига, 16 ва 17-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлимлари мансабдор шахсларига белгиланган тартибда берилди»;

3) 10-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимларининг мансабдор шахслари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмининг буйруғи билан тайинланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 23-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) 9-моддаси куйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали нazorат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига рияз этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлимлари буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлимига қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда) 40-моддасининг тўртинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«банклардаги ҳисоббараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 474, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 88-модда: иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига,

фискал хотирали нazorат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига рияз этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлимига бошлигининг текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади. Давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлимига назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органини ёки унинг тегишли ҳудудий бўлимига ўтказилган қисқа муддатли текширув тўғрисида текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

2) 92-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 15 сентябрь № УРҚ-256

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ – ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Андижон ва Хоразм вилоятларининг ҳар бирида қишлоқда уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурларига мувофиқ, 2009 йилда ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқда тахминий қиймати 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 60 тадан уй-жой қурилган, жорий йил охиригача Андижон вилоятида 22 та даҳада 620 та, Хоразм вилоятида эса 11 даҳада 530 та уй-жойни қуриб топшириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, ушбу

вилоятларда болалар боччалари, умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, тиббий муассасалар, хизмат кўрсатиш соҳалари объектилари ва обод йўллари ўз ичига олган тураржой даҳаларининг замонавий мажмуалари қурилган.

Тегишли вилоятлардаги депутатлар корпусининг иш тахрибасини ҳисобга олган ҳолда, сенаторлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада тако-

миллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича, асосли таклифлар ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисларда халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг таъсирчанлигини ва самарадорлигини оширишга доир аниқ таклифлар билдирилди.

Муҳокама яқунлари бўйича Қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мажлисларда сенаторлар, халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари вакиллари, олимлар ва экспертлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. (Ў.А.)

Янги линия ишга туширилди

«Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида йилгига ўн миллион донга қоп тикишга мўлжалланган янги технологик линия фойдаланишига топширилди.

Маълумки, мазкур кимё корхонаси ларга корхонанинг етти хилдаги кимёвий маҳсулотлари маҳсулотларига мамлакатимиз ва хорижда эътибор тобора ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, унинг маҳсулотларини чиройли қолларга қадоклашни замоннинг ўзи тақозо этди. Тез орада бу ерда тайёрланган қоп-

Янги хабар

нишлар натижасида 220 та янги иш ўрни яратилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кейинги йилларда республикамизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосан аралашувларнинг олдини олиш, уларнинг эркин-эркин фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқарттириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонлари муҳим аҳамиятта эга бўлди.

АСОССИЗ ТЕКШИРИШЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Мазкур фармонларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орали амалга оширилиб, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органлари ҳамда режалар текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар мансабдор ходимларининг текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талабларига оғимай амал қилишлари юзасидан маъсулиятини ошириш мақсадида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан бошқа масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги, тадбиркорлик субъектларини рўқсатсиз текширилганлиги ҳамда улар фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган зарарнинг ўрни қопланиб, жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилиши таъкидлаб ўтилган.

Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган назорат тадбирларини ўтказишда мамлакатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармонлари ҳамда текширишларни тартибга солишга доир бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган меъёrlарга қатъий амал қилиб келинмоқда. Солиқ тўловчилар фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат солиқ хизмати органлари ташаббуси билан бошқа назорат органларини жалб этган ҳолда 1345 марта семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, уларда 129 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти қатнашди.

Барча солиқ хизмати органларида «Ишонч телефони» ҳамда «Очик эшиклар кўни» ташкил этилиб, солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли тушунтириш ва маслаҳатлар бериб

борилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида давлат солиқ хизмати органларида ўтказилган қатор «Очик эшиклар кўни»да 20 мингдан ортиқ солиқ тўловчилар иштирок этиб, улар томонидан кўтарилган 2 мингдан зиёд масала ижобий ҳал қилинди.

Қайд этиш жоизки, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишда текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга тўлиқ рияз этилишини таъминлаш давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назоратга олинган. Натихада давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилган барча режалар ва режадан ташқари текширишлар (яқуний ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қўзғатган жиноий ишлар доирасида ўтказилган текширишлар бундан мустасно) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши

Жараён

билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида солиқ идоралари томонидан текширилган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Мисол учун, давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2004 йилда мавжуд ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 14,2 фоизда текшириш ўтказилган бўлса, бу рақам 2009

БУЮК АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Б. АКРАМОВ олган сурат.

билан тақдирлангани, юбилейлари кенг нишонлангани, пойтахтимизда Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби улғу адибларимизга ҳайкаллар ўрнатилгани ҳақида сўзлар экан, Ойбек ҳайкалининг барпо этиши ва уни Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудига ўрнатиш ташаббускорини ҳам Юртбошимиз бўлгани таъкидлади. Зотан, Президентимиз таъкиди билан айтаётган, Ойбек ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган том-том асарларини яратмаганда ҳам, биргина «Навоий» романи билан маънавиятимизда, адабиётимизда ўчмас из қолдирган бўлар эди. Шу маънода, у буюк ўзбек ёзувчиси, мумтоз адибдир.

Ўзбекистон халқ рссомии, ҳайкалтарош Равшан Миртожиев томонидан ишланган ҳайкалда Ойбек табиятига, руҳиятига хос ўқтамлик, неқбиллик, бағрикенглик, юксак ишонч-этиқод ўзининг эркин ифодасини топган. Адиб ҳайкали Ойртбошимизнинг фикрлари асосида Навоий сиймоси билан ўзвий боғлиқлигида гавдалан-

тирилган: Ойбек қўлида Алишер Навоий девонини ушлаб, тийрак ва ўткир нигоҳини буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкалига қаратган. Бу нигоҳ эзгулик, шукроналик билан йўғрилган. Айни дамда халқимизнинг, илму маърифатга чанқок ёшларимизнинг нигоҳи бўлиб туюлади.

Тадбирда адабиётшунос Шухрат Ризаев, академик Азиз Қайюмов, «Шарқ юл-

дузи» журнали бош муҳаррири вафизасини бажарувчи Улуғбек Хамдам Ойбекнинг ёрқин шахсияти, унинг ўлмас асарлари ёш авлод камолотида юксак ўрнни тутишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Маросимда сўз олган Ойбекнинг жияни Муҳаббат Тошмухамедова Ойбек хотирасига кўрсатилаётган бундай юксак ҳурмат ва эҳтиром учун адибнинг оила аъзолари, қарин-

дошлари ва яқинлари номидан Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди. Тадбир иштирокчилари Ойбек ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонлик дипломатлар ва қатор саудияликлар гуманитар, сайёҳлик, шунингдек, иқтисодий соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг ривожига ҳақида гапиришди. Саудия Арабистони вакиллари Ўзбекистонга уюштирилган саёҳатларидан олинган таассуротлари билан ўртоқлашдилар. «Умрон» журнали бош муҳаррири доктор

АР-РИЁДАДА ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Муҳаммад Иброҳим Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларининг меъморий жиҳатлари бўйича ўзи олиб борган тадқиқот натижалари ҳақида сўзлар берди. У, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳларни ўзига жалб этувчи шаҳарлари ва мамлакатда сайёҳлик соҳасидаги юқори даражали хизмат кўрсатилиши ҳақида алоҳида тўхталиди.

Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан барқарор ва хавфсиз давлат саналади, бу эса мамлакат раҳбарияти томонидан изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар натижасидир, — дея таъкидлади М. Иброҳим.

Қабул меҳмонлари Ўзбекистоннинг сармоявий сивбатини ўз ичига олувчи иқтисодий жиҳатлари билан ҳам таништирилди. Уларга мамлакат ҳукумати томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларига қарши қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Молиявий таҳлилчи доктор А. Хабибулла Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти ҳамда чет эллик сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар ва қулайлик, хусусан, мамлакатда ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳақида сўз юритди. Иштирокчиларнинг алоҳида эътибори саноят, энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига қаратилди.

«Ал-Ватан» газетаси мухбири Фарес ал-Наваф бу каби таништирув тадбирлари фойдали бўлишини таъкидлаб, ушбу тадбир унга Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконини берганини қайд этди.

«Жаҳон» АА, Ар-Риёд

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ  
ТЎЛЕПБЕРГЕН ҚАЙПБЕРГЕНОВ**

Ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти оғир жудаликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адиб Тўлепберген Қайпберген 81 ёшида вафот этди.



Тўлепберген Қайпберген 1929 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1947 йили мактаб ўқитувчиси сифатида бошлади. Қорақалпоқ давлат педагогика институтини тамомлаганидан сўнг кўп йиллик ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини қорақалпоқ миллий матбуоти ривожига бағишлаб, "Қарақалпоқстан жаслар" газетаси мухаррири, "Қарақалпоқстан" нашриёти директори, "Совет Қарақалпоқстан" газетаси мухаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Радиоэшиттиришлар ва телевидение кўмитаси раиси, Матбуот, полиграфия ва китоб савдоси бўйича давлат кўмитаси раисининг ўринбосари каби масъул вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилди.

У 1980 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюмсининг раиси лавозимида самарали фаолият олиб бориб, қорақалпоқ адабиёти ва санъатини ривожлантириш, ёш шоир ва адибларни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди.

Т. Қайпберген жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, бир неча бор Қорақалпоғистон Жўрғори Кенгеси ва Нукус шаҳар кенгаши депутатлигига сайланди. Тўлепберген Қайпберген ўзининг ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Ўз асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, миллий қадрият ва аъённаларини юксак маҳорат билан тараннум этди. Унинг қаламига мансуб "Раҳмат, муаллим", "Совуқ бир томчи", "Котиб", "Қорақалпоқ қизи", "Маманбий афсонаси", "Бахтсизлар", "Гумроҳлар" сингари қисса ва романлар, "Қорақалпоқ достони" трилогияси адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Бу асарларнинг аксарияти жаҳондаги кўплав тўларга таржима қилиниб, бир қатор нуфузли адабий мукофотларга сазовор бўлган эди.

Жонқур адибнинг кейинги йилларида эълон қилинган публицистик чиқишларида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, қорақалпоқ заминидан амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва янгилашлар жараёнини ақс эттириш, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини улуғлаш, Орол муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратиш мавзулари алоҳида ўрин эгаллади.

Атоқли ёзувчининг адабиётимизни ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси", "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" фахрий унвонлари, "Шухрат" медаллари, "Дўстлик" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари ҳамда Ватанимизнинг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Тўлепберген Қайпбергеннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Ш. МИРЗИЁЕВ, М. ЕРНИЯЗОВ, А. АРИПОВ,  
Х. СУЛТОНОВ, А. ОРИПОВ, Б. АЛИМОВ,  
Ў. АБДУРАҲМОНОВ**

**ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ**

Урганч шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловларининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларни қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият берилган. Шу мақсадда ташкил этилган мазкур лойиҳалар имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ёшларга катта имкониятлар яратилди. Мазкур танловларда қатнашиш учун хоразмлик 30 нафар ёш тадбиркордан ариза қабул қилинди.

Саралаш босқичида ўтказилган семинар-тренингларда ёшларга тадбиркорлик соҳаси ва уни ривожлантириш, бугунги кунда давлатимиз томонидан соҳани кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

Ҳалилар танловларнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
Ў.А. мухбири.**

**Озон қатлами — сайёрамиз химоячиларидан биридир. Сабоби, мазкур "газ пардаси" кўйининг зарарли радиациясини ютади, тирик организмларни хавфли нурланишдан сақлайди. Зеро, ультратинафша нурлар инсон саломатлиги учун хавфли бўлиб, касалликлар келтириб чиқаради, кўриш қобилиятини сусайтириб, иммунитетни пасайтиради...**

Шундай экан, фақат иқтисодий фойдани кўзлаб, табиатга бармоқ остида муносабатда бўлиш, борлиққа бефарқ қараш нақадар нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Экологик муаммолар, глобал иссиқ, озон қатламининг емирилиши шундан далолатдир.

Антропоген омиллар — товушдан тез учадиган самолётларнинг икки ёнв дивигателларида чиқадиган юқори ҳарорат, хлорли совуткичлар (фреон), пурковчи газ баллончалари тарқатадиган зарарли моддалар, масалан, хлорфтометан, хлорофторуглевод ана шу муҳофаза пардасига жиддий шикаст етказди. Массулиятсизлик оқибатида озон тўйнуғи биринчи марта 1985 йил Антарктида устида пайдо бўлса, 1992 йилда Арктика устида кузатилди.

Жаҳон ҳамжамиятини бу борада огоҳликка қақариш, атмосферанинг таркибий қисмлари, айниқса, озон қатламининг Ер шарини учун ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини чуқур аниқлаш мақсадида 1994 йилдан буён 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кўни сифатида нишонлаб келинади. БМТнинг махсус резолюцияси асосида расмийлаштирилган мазкур сана ўзига хос тарихга эга.

Бунинг учун, аввало, 1930 йилларга мурожаат этиш лозим.

**ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ  
ВА МАСЪУЛИЯТ**

Айнан шу даврда канадалик олимлар биринчи бўлиб озон қатлами устида изланишларни бошлаган эдилар. Орадан эллик йил ўтиб, ушбу тадқиқотлар ҳулосаси эълон қилинди. Ҳар қандай вақт давом этган текширувлар натижасида озон қатламини юпқалашиб бораётгани аниқланган эди.

Шундан сўнг бу борада ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилмас, оқибати жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланди. Илмий муҳокамалар мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди. 1985 йилда Озон қатламини химоя қилиш тўғрисидаги дастлабки халқаро ҳужжат — Вена конвенцияси қабул қилинди. Орадан икки йил ўтиб, 16 сентябрь кўни Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи амалиётга татбиқ этилди. Кейинчалик унга

Лондон, Копенгаген, Монреаль, Пекин каби шаҳарларда муҳим тузатишлар киритилиб, 2001 йилгача 160 та давлатда ратификация қилинди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳам озон қатламини "оммавий кимёвий ҳужум"дан авайлашда

Бундан мақсад эса муаммони бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга қақаришдан иборат.

Умуман олганда, протоколнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маълум ижобий ўзгаришларга эришилди. Бошқача қилиб

ҳитнинг софлигини сақлаш, она-табиатни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимизда Монреаль протоколининг 1993 йил 18 майдан кўнра кирганлиги фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Шу орқали экологик қонунчилик тақомиллаштирилиб, соҳага доир ҳужжатларни амалиётга янада самарали жорий қилиш механизми йўлга қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 ноябрдаги "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибидан улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори аҳамиятини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ушбу ҳужжатдан кўзланган мақсад озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхташ миллий дастурини амалга оширишга йўналтирилган Озонни бузувчи моддаларни ва таркибидан улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тақомиллаштириш ҳамда давлат томонидан бошқариш чора-тадбирларини тартибга солишдан иборатдир.

**16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кўни**



айтганда, бугунги кунда ҳаёт-баҳш қатламининг жароҳатли нуқталари тикланиш жараёнида. Халқаро метеорология ташкилоти ва БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ҳамкорликда олиб борган таҳлиллар натижаси шундан далолат бериб турибди. Таҳминларга кўра, Арктика кенгликларидан 2049, Антарктидада эса 2065 йилга келиб озон қатламининг тўлиқ тикланишига эришилади. Бундай муваффақият, табиий

мутаассадди томонлар тегишли шартларга тўлиқ риоя этишсизгина, кўлга киритилиши мумкин.

Мамлакатимизда атроф-му-

Мухтасар қилиб айтганда, она-табиатни эъзозлаш катта масъулият талаб этади. Демак, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг бойлиқларини асл ҳолича келажак авлодга етказиш, ҳаво мусаффолигини сақлаш — инсоний бурчимиздир.

Сидқон МАХСУМОВ.

**ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, САЛОҲИЯТ**

**Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида яхши самара бермоқда**

Сирдарё вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналувчи мазкур корхона қолқоқча юз тутиб, иқтисодий ноҳор аҳволга келиб қолган, 2002 йили унинг базасида "Янгиерйўлдиндустрия" давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси тасарруфига ўтказилган эди.

Кувонарлиси, бир пайтлар ўзи молиявий ёрдамга муҳтож бўлган корхона аҳли бугунги кунда шаҳардаги битта умумтаълим мактаби ва битта болалар богчасига ҳомиийлик қилмоқда. Вил

**Модернизация**

— Шундан сўнг бу ерда анчагина ташкилий ишлар амалга оширилди, — дейди корхона директори Абдуғаффор Худойбердиев. — Хусусан, малакали мутахассисларга эътибор кўчатирилди, ишчилар корхонага қайтарилди, машоалар ўз вақтида берилди бошланди. Шунингдек, корхонада илгари фақат сув ҳўжалиги ва фуқаро қурилиши учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, ўша йилдан эътиборан йўл қурилиши учун темир-бетон материаллари тайёрлаш ўзлаштирилди. Натижада 2009 йилда бир миллиард 49 миллион сўмлик, 2010 йилнинг олти ойи давомида 732 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Йил охирига қадар эса бу кўрсаткич 3 баробарга ортди.

Айни кунларда корхона маҳсулотлари Сирдарёдаги буюртмачилардан ташқари, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидаги қурилиш ташкилотларига ҳам етказиб берилаётди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга қаратилган из-



чил ислохотлар самараси бу ерда ҳам яққол кўзга ташланаётди. Жумладан, жорий йилда корхонага "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг виллоят филиали томонидан 300 миллион сўм миқдорда кредит жалб этилган эди. Ушбу маблағнинг 100 миллион сўми ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, яъни эски буг қозонхонаси ўрнига янги сонини ўрнатишга сарфланган бўлса, 200 миллион сўми эса хом ашё харид қилиш

қилиш, техник ва технологик янгилаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда, — дейди корхонанинг бетон маҳсулотлари цехи устаси Хуршид Тўйчиев. — Масалан, эндиликда уй-жой учун мўлжалланган пойдевор блоклари, томёпқич плиталари, ободонлаштиришда ишлатиладиган лотоклар, автомобиль йўлларида фойдаланиладиган бетон тўсиклар сингари 45 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқараямиз.

лоятда болалар спортини ривожлантиришга ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшапти.

Мухтасар айтганда, янгилаш, изланиш ва салоҳият комбинатининг ишлаб чиқариш қувватини ошириб, унинг иқтисодийтизимдаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Шомирод ХОЛМУРОДОВ, "Халқ сўзи" мухбири, Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

**«Келажак овози — 2010»**

Кеча Тошкент давлат аграр университетидида «Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**ИҚТИДОР, МАҲОРАТ  
ВА ШИЖОАТ КЎРИГИ**

Мана, бир неча йилдирки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказиб келаяётган мазкур беллашув ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ҳамда уларни кўллаб-қувватлашда беқиёс аҳамият касб этаётди.

Жорий йилда кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичида қатнашиш учун 6 400 дан зиёд ёшлар ариза топширди. Қизгин беллашувлар остида кечган ушбу танловнинг виллоят босқичида эса 450 нафар йилгит-қиз ўз маҳорати ва истеъдодини синовдан ўтказди. Айниқса, архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар йўналишлари бўйича қатнашчилар сони кўпчиликини ташкил этди.

— Танловнинг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида қатнашяяман, — дейди Бекобод техника иқтисодийёт касб-ҳунар коллежи ўқув-

чиси Рустам Раҳимов. — Республика босқичи йўлланмасини кўлга киритганидан бениҳоя хурсандман. Интернет тармоғида янги веб-дастур яратдим. Келгусида уни янада мукамаллаштириб, танловнинг якуний босқичида ҳам муваффақият қозониш ниятидаман.

Тадбир доирасида Баркамол авлод йилига бағишланган кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда «Келажак овози» танловининг Тошкент вилояти босқичида иштирок этган йилгит-қизлар тасвирий ва амалий санъат, либослар дизайни, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича ўз ижодий ишларини намойиш этдилар.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида республика босқичи йўлланмасини кўлга киритган ёшларга тадбир ташкилотчиларининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,  
236-09-25.**

**SONATA**  
Ўз йўлингни танла!  
Drive your way

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.  
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner  
www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

Жиззах шаҳридаги «Ёшлар шаҳарчаси»да тегишли идоралар ҳамкорлигида меҳнат бозори ўтказилди. Унда виллоятдаги 1075 та корхона ва ташкилот 2886 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

**Бандлик дастури — амалда**

Тадбир якунида 1304 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежини тамомлаган 58 нафар битирувчига ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун "Микрокредитбанк"нинг 120 миллион сўмлик кредитлари тақдим этилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Снижение цен у официального дистрибьютора**

**Qashqai 2.0**  
108 000 000 сум  
~~108 000 000 сум~~  
**97 000 000 сум**

**Tiida 1.6**  
80 000 000 сум  
~~80 000 000 сум~~  
**60 000 000 сум**

Форма оплаты — любая  
Товар сертифицирован

**Premium Auto 295 88 77** SHIFT. the way you move

# ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР, ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАР

**Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилган республика хотин-қизлар спорт фестивали ва гимнастрадаси якунланди. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида фестиваль голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу

иштирок этиб, қизгин мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Бу, шубҳасиз, уларнинг келгусидаги иш фаолияти, шахсий турмуши ва соғлиғига ижобий таъсир этувчи омиллардан бирidir.

## Фестиваль

Чиндан ҳам, икки кун давом этган спорт фестивали доирасида қизгин мусобақалар, турли маданий-маърифий дастурлар, концерт ва саёхатлар ташкил этилди. Тадбир якунида эса голиб ва совриндорларга барча номинатсиялар бўйича дипломлар, сертификатлар, сикатгоҳларга йўланмалар ҳамда қimmatбахо эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалнинг ёпилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Ишдан сўнг шу маскани бирров айланишни, хордиқ чиқаришни одат қилганман. Бу гал ҳам фавворалардан бирига яқинроқ ўриндиққа жойлашдим. Енимга бир йигит келиб ўтирди. Қўлида китоб, журналлар бор. Танишдик, Тошкентнинг Хамза тумани, Баҳор маҳалласидан Сардор Йўлдошев экан. Қарангки, у айна пайтда Жанубий Кореянинг политехника университети магистратурасида тахсил оларкан. Таътил вақти бўлгани учун оиласи, яқинларини куришга келибди.

— Ватан соғинчи одамга тинчлик бермас экан, — дейди Сардор. — Ўқишда юрган пай-



орқали кўрганамда-ку, курсдошларимга мақтанидан ўзимни тиймайман. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик туфайли амалга ошаётганини, Юртбошимизнинг биз, ёшларга доимо фарзандларим деб мурожаат қилишларини, илм олишимиз учун қандай шарт-шароит зарур бўлса, барчасини яратиб бераётганликларини айтиб, гурурланаман. Ушбу гапхўрликка муносиб жавоб қайтариш, хордиқ талабалардан сира кам эмаслигимизни амалда исботлаш учун мен ҳам астойдил ўқиб, изланаялман.

Сардорнинг дунёкараши кенг, фикрлаши тиниқ экани эътибор-

# «ВАТАНИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

тимда юртимизга оид кичик бир янгилик ҳам мен учун оламшумул воқеа бўлиб туюлади. Қайсидир спортчимизнинг галабаси, тенгдошларимнинг турли халқаро танловлардаги муваффақиятини Интернетдан ёки телевизор

## Истиклол фарзандлари

нинг 9-синфини мuddатидан аввал тугатган С. Йўлдошев Корея таълим марказида ўтказилган танловда ўзини синаб кўрди. Омади чопган йигит голиб сифатида ушбу мамлакатнинг Сеул шаҳридаги Олий мактабга ўқишга юборилди. Уч йиллик тахсилдан сўнг Сеул давлат саноат университети талабаларига қабул қилинади. Сардор ўтган йили мазкур олий таълим даргоҳининг бакалавр даражасини олган. Корея политехника университетининг Ахборот ва коммуникациялар факультетида, магистратура йўналишига синов асосида қабул қилинди. Айтиш жоизки, у мазкур олий таълим даргоҳида Хамдустлик давлат-

нинг ривожланишида ҳам мазкур соҳа муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиш жараёнида уларнинг бу мавқега қандай қилиб эришганини пухта ўрганиб, келажакда юртимиздаги иш фаолиятимизда ана шу тажрибадан унумли фойдаланмоқчиман.

Сардорнинг қўлидаги журналлар эътиборини тортди. Бири Корея политехника университети журнаси, иккинчиси эса Кенгги провинциясининг "Менежмент" номли наشري экан. Шу йилги сони, варақлаб кўрдим. Сардор ҳақида эътиборини мақолага қўзим тушди. Унинг бошида катта-катта ҳарфлар билан қўйилган сўзлар битилганди: "Кореянинг юқори технологияларини ўрганиб,

Сардор билан суҳбатимиз қизиганидан вақт алламаҳал бўлиб қолганини сезмай қолибми. Танишганимиздан бир-биримиздан хурсандлигимизни изҳор қилиб, яши тилаклар, эзгу ниятлар билан хайрлашдик. Истиклол Сардор каби иқтидорли, зиёли фарзандларни тарбиялаётгани эртанги кунимизнинг тенгсиз саодатидир.

Шовкат ОРТҚИОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Ҳамюртларимиз муваффақияти

**Беларусь пойтахти Минск шаҳрида таъқондо бўйича фахрийлар ҳамда ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

Дунёнинг элликка яқин давлатидан келган 650 нафар спортчи голиблик учун татамига чиққан мазкур турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, бухоролик Бехруз Саидов муваффақиятли қатнашди. Саралаш баҳсларини кўтаринки рунда ўтказган юртдошимиз финалда мезбонлар вакилига имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Фахрийлар ўртасидаги баҳсларда эса Бехрузнинг устози, айна дамда таъқондо бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Убайди Мукаррамов кумуш медаль соҳиб бўлди. Фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони саналган вакилимизга бу гал ҳал қилувчи баҳсда жароҳат панд берди.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Оҳангларда диёр мадҳи

**Наманган шаҳрида ёш хонадалар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Она диёр, сени куйлайман" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Санъат байрамига айланган ушбу анжуманда янги истеъдодлар кашф этилди. Жумладан, чортоқлик Зухриддин Мадраҳимовнинг ижрочилик маҳорати кўпчиликка манзур бўлди. Танлов голиблигини кўлга киритган ушбу истеъдод соҳиб андиликда республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Тухфа

Олмалиқда шаҳар марказий шифонасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

## КОНЧИЛАР ҲИММАТИ

167 ўринга мўлжалланган ушбу шифо масканининг қурилиш-монтаж ишларида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти хомийлик қилди. Қурилиш учун қарийб 6 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилган бўлса, замонавий тиббий ускуналар учун 1 миллиард 200 миллион сўм сарфланди.

Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган мазкур шифо масканига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Тез ёрдам" машинаси ҳам тухфа этилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

## РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ

танлов эълон қилади.

«Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тикланиш кўчасида 200 та автомашинани сақлаш жойи, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш биноси ҳамда маъмурий бино қурилиши»

**Буюртмачи** — Республика инкассация бирлашмаси.  
**Қурилиши якунлаш мuddати** — 2011 йил 31 декабр гача.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тикланиш кўчаси.  
**Молиялаштириш** буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.  
**Бошлангич нархи:** — 2 618 398 760 сўм ҚҚС билан;  
— 2 181 998 970 сўм ҚҚСсиз.

Тендерда қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фойздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағига ёки ушбу маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танлов ишоротида ўшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малакага ҳамда молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Устав сармоясининг миқдори, ўз қўчлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни илова қилишлари лозим.

Танлов савдоларида маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Тендер савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун тендер ташкилотчиси — Республика инкассация бирлашмасига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этилади:  
**Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 19-уй.** Телефонлар: (8-371) 244-39-27, 244-39-29, 244-14-73.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 250 000 (икки юз эллик минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) тендер ташкилотчисига тақдим этилади.  
Тақлифлар (оферталар)ни қабул қилиш мuddати — эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида.  
Берилган тақлифларнинг очилиши — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 19-уй, Республика инкассация бирлашмасида амалга оширилади.

8739/055

## ОБ-ҲАВО

(16 сентябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Харорат тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзғариб туради, ёмғир ёғади. Харорат тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## Лойиҳа ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 25 августдаги Р-3486-сонли «Тошкент шаҳрининг марказий қисмида тураржой массивининг мажмуий қурилиши чоралари тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ, Тошкент шаҳри марказий қисмининг архитектура-режалаштириш ва бадий қиёфасини янада яхшилаш мақсадида тузилган

### ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДА ТУРАРЖОЙ МАССИВИНИНГ МАЖМУИЙ ҚУРИЛИШИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАНЛОВИНИ ЎТҚАЗИШ БҮЙИЧА КОМИССИЯ

Тошкент шаҳрининг марказий қисмида Бўзсув канали, Абдулла Қодирий ва Шайхонтохур кўчаларининг чегаралари ичида умумий майдони 20,9 гектар бўлган тураржой массивининг мажмуий қурилиши эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш истагидаги лойиҳа ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини берадиган лицензияга, шу каби қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш тажрибасига ва тегишли мутахассисларига, фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ҳамда шартномани тузиш учун ваколатларига эга бўлиши лозим.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефон: (8-371) 244-86-84. Алоқа қилиш учун шахс — А. Д. Латипов.

Тақлифлар Тошкент ш., Абай к., 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тақлифларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2010 йил 1 декабрь, соат 17.00 гача. Тақлифларни кўриб чиқиш 2010 йил 3 декабрь соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй манзилида амалга оширилади.

8739/078

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган қўйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

8739/055

## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00. Топширилди — 21.50

1 2 3 5

Таҳририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Г — Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Музаҳҳах — С. Исломов.

«Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси жамоаси корхона раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Рўзимбой Жуманазарова фарзанди

Темур ЖУМАНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва касаб уюшмаси кўмитаси менежмент кафедраси профессори, техника фанлари доктори Ҳамид Рауловнинг ДЖУМАБАЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси автотрактор двигателлари ва экология кафедраси доценти Махаммад-Иброҳим Махаммадҷоновга волидаи муҳтарамаси ТУЛҒАНОЙ аяловнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.